

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**38-сон**  
**(850)**  
**2018 йил**  
**24 сентябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

763. «Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПФ-5542-сон Фармони
764. «2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони
765. «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3945-сон қарори
766. «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлан-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ–3946-сон қарори

767. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги ПҚ–3947-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

768. «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарори
769. «Газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, шунингдек, табиий газда ишлайдиган марказлаштирилган қозонхоналардан бехатар фойдаланишга доир шошилиш чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 745-сон қарори
770. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 сентябрдаги 747-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

771. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 августдаги 118-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850-2*)
772. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 10 сентябрдаги 127, 2018-71-сон «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2463-2*)
773. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 августдаги 217-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буй-

руғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 15 сентябрдан 21 сентябргача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **763** Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида\*

Мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлашга, шунингдек, ёшларни террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар таъсиридан самарали ҳимоя қилишга қаратилган жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида биргина 2017 йилда 18 мингдан зиёд содир этган қилмишига пушаймон бўлган ҳамда тинч турмуш тарзига қайтган фуқаролар террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилди. Уларнинг 10 мингдан зиёди иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватанига, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини бериш мақсадида, шунингдек, инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда:

1. Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) иловага\*\* мувофиқ таркибда тузилсин.

2. 2018 йил 1 ноябрдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар (кейинги ўринларда — тақиқланган ташкилотлар) таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Комиссия хулосасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилади;

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Комиссия томонидан салбий хулоса чиқарилган тақдирда барча ҳолатлар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қуйидаги ҳолларда, ушбу Фармонга мувофиқ, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин:

айбини бўйнига олиш тўғрисида шахсан арз қилиб келса, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва тузалиш йўлига ўтган бўлса;

жиноий фаолият ва бошқа ҳуқуққа хилоф қилмишларни фош этишда фаол ёрдам берган бўлса;

тақиқланган ташкилотлар сафига алдов йўли билан жалб этилган бўлса; тақиқланган ташкилотларнинг ғоявий ёки маънавий раҳнамоси бўлмаган бўлса;

жанговар ҳаракатларда ва қўпоровчилик ҳаракатларини содир этишда иштирок этмаган бўлса;

террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида тақиқланган ташкилотларда ўқув, махсус ёки ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган бўлса;

террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида чиқиш ёки ҳаракатланишни амалга оширмаган бўлса;

ҳалқаро терроризмни молиялаштиришда иштирок этмаган бўлса;

террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар мавжуд бўлган материалларни адашиб ёки ахборот-коммуникация воситаларида тарқатишга қасд қилмаган ва бундай мақсадни кўзламаган ҳолда сақлаган бўлса.

4. Комиссияга (Муродов О.) қуйидаги ваколатлар юклансин:

тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш;

мурожаат этган фуқароларнинг шахсини, шу жумладан, уларнинг содир этилган жиноятларга дахлдорлигини ҳар томонлама текшириш орқали ўрганиш;

мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган ҳулосаларни дастлабки тергов органларига ўрнатилган тартибда тақдим этиш;

содир этган қилмишига пушаймон бўлган ва айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб мурожаат этган фуқароларга нисбатан тақиқланган ташкилотлар аъзолари томонидан салбий таъсир этилишининг олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўриш учун ваколатли органларга топшириқлар юбориш;

жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишида, шу жумладан, бандлигини таъминлаш борасида кўмаклашиш ва мониторингини олиб бориш;

жиноий жавобгарликдан озод этилган шахслар билан профилактик-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича ваколатли органлар ва ташкилотларга топшириқлар юбориш.

5. Белгилансинки:

ушбу Фармон фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш учун асос ҳисобланади;

тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқаролар-

нинг қилмишига пушаймонлиги ҳамда айбини бўйнига олиши тўғрисидаги аризаси хорижда уларнинг яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарига ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига берилади;

ушбу Фармон билан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш билан боғлиқ жиноятни қайта содир этган шахснинг такрорий мурожаати кўриб чиқилмайди;

Комиссия томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарор барча давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир;

Комиссиянинг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Олий суд билан биргаликда бир ой муддатда тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва жиноий жавобгарликдан озод этиш механизмларини назарда тутувчи Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази ушбу Фармон мазмун-моҳиятини, шунингдек, унинг ижроси бўйича амалга оширилган ишларни мунтазам равишда аҳоли ўртасида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрдаги «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги ПФ–2712-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 сентябрь,  
ПФ–5542-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**764 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини  
инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқ-  
лаш тўғрисида\***

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди.

Хусусан, бу борада кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингига иштирок этмаяпти.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаётгани бу борадаги биринчи навбатдаги мақсадлар ва вазифаларга эришиш имконини бермаяпти.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади) 1-иловага мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага\*\* мувофиқ;

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш — Стратегиянинг бош мақсадидир;

б) бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизиминининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш;

бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

3. 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 4-иловага\* мувофиқ тузилсин.

4. Комиссия (А.Н. Арипов):

Стратегияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

Стратегияни амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситалари, илмий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларни, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этган ҳолда учрашувлар,

---

\* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.



семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманларини, шу жумладан жойларда ташкил этсин;

ушбу Фармон ижросининг бориши тўғрисидаги батафсил ахборотни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари — вазирлик ва идораларнинг Стратегияда ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, мақсадли кўрсаткичларга эришиш, шунингдек, улар ижроси боришини ҳар чоракда муҳокама қилиш учун;

вазирлик ва идоралар раҳбарлари — илмий-таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, мустақил экспертларни (консультантларни), шу жумладан хорижий мамлакатлардан кенг жалб этган ҳолда Стратегияда ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун;

давлат илмий-таълим муассасалари раҳбарлари — Стратегияда ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни илмий-тадқиқот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, вазирлик ва идораларга мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун илмий тақдимотлар ва маърузалар, таҳлилий материаллар тайёрлашда ҳар томонлама кўмаклашиш учун;

махаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари — вазиятни ҳақиқий ва сифатли ўзгартириш учун муносиб шароитлар яратиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ҳудудларни ва уларнинг ижтимоий инфратузилмасини Стратегияда ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш, шунингдек, вазирлик ва идоралар билан ўзаро келишилган ҳолда жойларда мақсадли кўрсаткичларга эришиш чораларини кўриш учун шахсий жавобгарлик белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳар йили Глобал инновацион индекс рейтингига киритилиши учун халқаро ташкилотларга зарур маълумотлар ва кўрсаткичларни мунтазам юборилишини таъминласин.

7. Вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари раҳбарлари билан келишилган ҳолда бир ой муддатда мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича ўзаро боғлиқ ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва техник чора-тадбирларни назарда тутадиган 3 йилга мўлжалланган ривожланиш дастурларини тасдиқласин, кейинчалик 3 йилга мўлжалланган янги ривожланиш дастурларини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телера-

диокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни мунтазам ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С.Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 21 сентябрь,  
ПФ-5544-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги  
ПФ-5544-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини  
инновацион ривожлантириш  
СТРАТЕГИЯСИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди. Жумладан:

аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси паст;

олий таълим муассасалари ўқув режалари ва дастурларини, талабаларни қабул қилиш квотаси миқдорини белгилашда, молиявий маблағларни тақсимлашда мустақил эмас;

илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун масъул вазирлик ва идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик лозим даражада эмас, илмий-тадқиқот муассасалар ва лабораториялар фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган;

илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш даражаси паст;

инновацион менежмент соҳасида технологиялар трансферини фаол илгари суриш ва амалга оширишга қодир юқори малакали мутахассислар мавжуд эмас;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилаётган бюджет маблағлари етарли эмас;

илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштириш самарали ва шаффоф эмас, бюджетдан ташқари ва хусусий жамғармалар маблағларини жалб этишни рағбатлантириш механизмлари мавжуд эмас, қарзни молиялаштиришнинг ички манбалари етарли даражада ривожланмаган;

интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш лозим даражада эмас, ушбу соҳада, айниқса давлат органлари ва ташкилотларида малакали мутахассислар мавжуд эмас;

қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари, иккиламчи ресурсларни энергетик утилизация қилиш соҳаларида инновацион технологияларни жорий этиш даражаси паст;

мамлакатда, айниқса давлат компанияларида корпоратив муносабатлар ва корпоратив бошқарув принциплари ривожланмаган, бунда хориждаги энг намунали амалиёт инobatга олинмаяпти;

мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажмида ахборот-коммуникация технологиялари секторининг улуши кам.

Қайд этилган камчиликлар мамлакатимизнинг жадал инновацион ривожланишига, инвестицияларни жалб этишга, иқтисодиётнинг ўсишига ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги мақсадлар, вазифалар ва асосий йўналишларни назарда тутадиган 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини (кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади) ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда:

## **2-боб. Стратегиянинг мақсад ва вазифалари**

1. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражаси-

ни ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон капитални ривожлантириш Стратегиянинг бош мақсадидир.

2. Бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш;

бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

### **3-боб. Стратегиянинг асосий йўналишлари**

#### **3.1. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш**

1. Лойиҳавий бошқарув механизмларидан фойдаланган ҳолда дастурий-мақсадли принцип асосида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказишга давлат томонидан буюртма бериш орқали тадқиқотлар ташкил этиш механизмини жорий этиш.

2. Ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Ноёб илмий-техник ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказларини ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикасида илмий фаолият нуфузини ошириш.

5. Мамлакатимиз ва хориждаги илмий-техник ахборот манбаларини тўплаш, сақлаш ва қайта ишлашга, ахборот фондлари, маълумотлар базалари ва банкларини шакллантириш, юритиш ва улардан фойдаланишга ихти-

сослашган республика, тармоқ ва ҳудудий илмий-техник ахборот ресурслари ва ташкилотларидан иборат давлат илмий-техник ахборот тизимини яратиш.

6. Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш.

7. Технологиялар трансфери бўйича миллий ва ҳудудий офисларни ташкил этиш.

8. Илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун технопарклар хаби, эркин иқтисодий зоналар, эркин саноат зоналари, кичик саноат зоналари ва илмий-ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш.

9. Хорижий ҳамкорлар билан маҳаллий илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорда сотиш бўйича қўшма ташкилотларни шакллантириш учун давлат кўмагини кучайтириш.

### **3.2. Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш**

1. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган давлат харажатларини кўпайтириш ва 2021 йилга бориб бу кўрсаткични ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 0,8 фоизига етказиш.

2. Инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича махсус институтлар (инновация жамғармалари, инновация банклари, венчур жамғармалари) ташкил этиш.

3. Мамлакатни инновацион ривожлантиришни рағбатлантириш учун банк кредитини олиш тартиб-таомилларини ва талабларини содалаштириш.

4. Инновацион тараққиётни микромолиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

5. Илмий-технологик ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш ва молиялаштиришда хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш.

6. Инновацион лойиҳалар ва салоҳиятли инвесторларнинг доимий равишда янгилаб бориладиган ягона маълумот базасини ташкил этиш.

7. Инновацион лойиҳалар учун грантлар ва техник кўмак маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш тартиб-таомилларини содалаштириш ва шаффофлигини ошириш.

### **3.3. Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш**

1. Телекоммуникация соҳасини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини, шу жумладан давлат-хусусий шериклиги асосида тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтириш орқали такомиллаштириш.

2. 2021 йилгача ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хизматлар экспорти улушини улар умумий ҳажмининг 4 фоизига етказиш.

3. Барча операторлар учун халқаро телекоммуникациялар тармоқларига тўғридан-тўғри уланишни эркинлаштириш.

4. Аҳолини ахборот-коммуникациялар технологияларидан фойдаланишга рағбатлантириш.

5. Стартап лойиҳалар учун технопарк ташкил этиш орқали мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш тармоғини ривожлантириш.

### **3.4. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капитални ривожлантириш**

1. Ўқув-тарбия жараёнига янги таълим дастурларини, замонавий педагогик технологиялар ва smart-технологияларни жорий этиш орқали таълим муассасаларида ўқитиш сифатини янада яхшилаш (электрон модулар ташкил этиш ва масофавий ўқитишни жорий этиш).

2. Ногирон болалар таълим ва тарбиядан тенг шароитда баҳраманд бўлиши учун шароитлар яратиш мақсадида инклюзив таълимни ривожлантириш, шу жумладан:

таълим муассасаларида кўтариш қурилмалари, пандуслар, санитар хоналарда махсус мосламалар ўрнатиш, тутқичлар, махсус парталар, столлар ва бошқа махсус компенсатор воситалари билан жиҳозлаш орқали «тўсиқсиз муҳит» яратиш;

имконияти чекланган болаларни интеграциялашган ҳолда ўқитиш дастурларини яратиш;

таълим муассасаларини тегишли кадрлар (педагог-дефектологлар, болаларни руҳий-педагогик қўллаб-қувватлаш бўйича мутахассислар) билан таъминлаш.

3. Худудий ва миллий даражада таълим жараёни натижаларини тизимли мониторинг қилиш асосида таълим сифатини ва унинг мамлакат инновацион ривожланиши даражасига таъсирини баҳолашнинг миллий тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

4. Меҳнат бозоридаги тенденциялар ўзгариб боришини ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлашга муҳтож ёшлар учун касб-ҳунар коллежларида қисқа муддатли ўқувлар ташкил этиш.

5. Аҳолининг олий таълим билан қамраб олинишини ошириш.

6. Табiiй ва техник фанлар йўналишлари бўйича талабалар улушини кўпайтириш.

7. Чоп этилган илмий мақолалар сони, улардан иқтибос келтириш индекси, халқаро конференциялар ва семинарларда иштироки, олинган патентлари сони бўйича танлаб олинган соҳадаги энг фаол олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг тадқиқот йўналишини кучайтириш.

8. Тармоқ ва минтақавий иқтисодиёт сценарийлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида инновацион фаолият ривожини прогнозлаштириш тизимининг алоҳида бўғини сифатида етакчи олий таълим муассасаларида форсайт марказларини ташкил этиш. Олий таълим муассасасининг ички ва ташқи муҳитини илмий-технологик прогнозлаштиришни таъминлаш, улар-

нинг технологик ва инновацион муҳитини ва устувор инновацион йўналишларини ривожлантириш.

### **3.5. Рақобатни ривожлантириш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш**

1. Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принципларини жорий этиш.

2. Иқтисодиётни тараққиётнинг инновацион йўлига ўтишини таъминлайдиган рақобатбардош бозорни шакллантириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш.

3. Монополияга қарши сиёсатни, шу жумладан давлат-хусусий шериклигини жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, барча юридик ва жисмоний шахслар учун табиий монополиялар субъектлари товарлари, ишлари ва хизматларидан фойдаланишда тенг шароитларни таъминлаш, монопол корхоналар маҳсулотларига нарх шаклланишининг самарали механизмларини жорий этиш.

4. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва ички бозорнинг монополлашувини олдини олиш.

5. 2021 йилга бориб давлат кадастри ишларини юритишнинг тўлиқ рақамлаштирилишини таъминлаш ва мулкни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини соддалаштириш.

6. Қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш улушини 2025 йилга бориб 20 фоиздан зиёдга ошириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**765 Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тад-  
бирлари тўғрисида\***

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича чора-тад-бирларни изчил амалга ошириш орқали нақд пулларнинг банкдан ташқарида муомалада бўлишини қисқартиришга эришилди, тўловларни амалга ошириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди, масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг функционали кенгайтирилди.

Олиб борилган ишлар натижасида аҳолининг банк карталари ва бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб усуллариغا хавфсиз ва қулай тўлов воситаси сифатида бўлган ишончи ошди. Шу билан бирга, эришилган ютуқларга қарамай, тўлов тизимларини ривожлантириш, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун замонавий технологик ечимларни жорий қилиш борасида қатор камчиликлар мавжуд.

Хусусан, чакана тўловларни қайта ишлаш бўйича давлат процессинг марказининг мавжуд эмаслиги миллий тўлов тизимининг хавфсизлиги даражасини камайтирмоқда, тўлов инфратузилмасининг ягона интеграллашувига эришиш имконини бермаяпти ҳамда бир монопол тизимнинг мутлақ устун бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, тўлов тизимлари операторларининг фаолияти қонунчилик даражасида тартибга солинмаганлиги уларнинг ривожланишини чекламоқда ва мазкур тизимларнинг ишончли ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тўловларни амалга ошириш узлуксизлигини таъминлаш, инновацион маҳсулотларни жорий қилиш, банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш ҳамда тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш бош маркази» давлат унитар корхонаси Миллий банклараро процессинг марказини (кейинги ўринларда Миллий банклараро процессинг маркази деб юритилади) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Миллий банклараро процессинг марказини ташкил қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.



Миллий банклараро процессинг маркази, банклараро тўлов тизими ва клиринг марказининг фаолият юритиши учун маълумотларни қайта ишловчи тўлақонли марказ яратилишини;

2020 йил 1 январга қадар маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китобларда иштирок этувчи банклар ўртасида ахборот ва технологик алоқа ўрнатишга кўмаклашувчи Миллий банклараро процессинг маркази ишга туширилишини;

2020 йил 1 июлга қадар мамлакатдаги барча процессинг марказларининг, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларининг бевосита Миллий банклараро процессинг марказининг ягона шлюзи орқали ишлашини;

банк тўлов инфратузилмаси доимий равишда яхшиланишини, банкоматлар ва ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи кўп функцияли терминаллар тармоғининг, шу жумладан, ўз тасарруфидаги корхона ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда кенгайтирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон банклари ассоциацияси тижорат банклари билан биргаликда Миллий банклараро процессинг маркази лойиҳасини амалга ошириш давомида мавжуд процессинг марказларининг Миллий банклараро процессинг маркази билан интеграциялашувини ва ўзаро хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Чакана тўлов хизматларини кўрсатиш учун банк тарифлари банклар харажатлари қопланишини таъминлаш ва рақобатга кўмаклашиш учун маъмурий аралашувларсиз халқаро тажрибага мувофиқ ўрнатилиши белгилансин.

6. Марказий банк 2019 йил 1 январга қадар бўлган муддатда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини, шунингдек, умумэтироф этилган халқаро норма ва қоидаларни чуқур ўрганиш асосида қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

миллий тўлов тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари;

Марказий банк томонидан тўлов хизматлари бозорини тартибга солишни назорат қилиш, шунингдек, миллий тўлов тизими субъектларини лицензиялаш тартиби;

тўлов тизимларида банк сирини ҳимоясини таъминлаш хусусиятлари;

электрон пуллар билан операцияларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, шу жумладан, электрон ҳамёнлар эгаларини идентификация қилиш тартиби.

7. Лойиҳани амалга ошириш доирасида, истисно тариқасида, Марказий банк ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш бош маркази» ДУКга:

Марказий банк ҳудудида ўрнатилган шаҳарсозлик норма ва қоидаларига амал қилган ҳолда, қурилиш ва лойиҳалаштиришни бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш ва молиялаштириш шартларида амалга оширишга;

лойиҳалаш ва пудрат ташкилотларини, шунингдек, жиҳозлар, бутловчи буюмлар, техника ва технологиялар, эҳтиёт қисмлар, хомашё ва материал-

ларни етказиб берувчиларни тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаш асосида аниқлашга рухсат берилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 сентябрь,  
ПҚ–3945-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**766 Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини  
янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилди, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратди.

Шу билан бирга, қатор муаммолар ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси паст, шунингдек, аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралмоқда;

иккинчидан, аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти кўп ҳолларда инсофсиз, шу жум-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

ладан нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида аудиторлик хизматлари сифати ва аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда;

учинчидан, аудиторларни махсус тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими юзаки тусга эга бўлиб, профессионал тайёргарликнинг ва аудиторлик хизматлари сифатининг зарурий даражасини, шу жумладан аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мослигини таъминламаяпти, бу эса аудитор касби нуфузининг пасайишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу лицензияловчи органнинг ҳуқуқий таъсир чоралари чеклангани шароитида сифатсиз аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермаяпти;

бешинчидан, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умум-эътироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти.

Аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши учун шароитларни янада яхшилаш ва аудиторлик фаолиятини тартибга солишда халқаро стандартларга мувофиқ замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А. Қўчқоров аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини амалга оширишни таъминласин:

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан халқаро стандартлар асосида, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини қўллаб-қувватлашга қаратилган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш;

ёшларни аудиторлик касбига жалб этиш, хусусан профессионал жамоат бирлашмаларининг тегишли олий таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлигини таъминлаш;

аудиторлик ташкилотларининг халқаро аудиторлик тармоқларига жалб этилганлик даражасини ошириш, шу жумладан аудиторлик ташкилотларини, аудиторларни аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш масалаларида фаол услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш;

аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг халқаро аудит стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ушбу стандартларни қўллаш соҳасида жаҳоннинг илғор тажрибасини оммалаштириш бўйича фаолиятини фаоллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (В. Пак), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), Иқтисодиёт вазирлиги (М. Мирзаев), Давлат солиқ қўмитаси (Б. Мусаев), Тошкент молия институти (У. Азизов) ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

тижорат ташкилоти, агар у ҳақдаги ахборот Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига киритилган санадан бошлаб уч ой давомида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилмаган бўлса, ўз номида «аудиторлик ташкилоти» сўзларидан фойдаланишга ҳақли эмас;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия лицензиатга барча турдаги аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини беради;

аудиторлик ташкилотининг устав капитали аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган мол-мулкдан, шу жумладан пул маблағларидан шакллантирилади;

аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторларнинг энг кам сони камида тўрт нафар штатдаги аудитордан иборат бўлади;

айнан битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текшируви кетма-кет етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳар уч йилда камида бир марта аудиторлик ташкилотлари ишининг сифати ташқи назоратдан ўтказилади;

аудиторлик ташкилотлари ўзларининг веб-сайтларида ёки аудиторлар жамоат бирлашмаларининг веб-сайтларида ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъектнинг идентификация маълумотларини ва аудиторлик хулосасини кўрсатган ҳолда эълон қилади.

Фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари 2019 йилнинг 1 апрелига қадар мазкур қарорда белгиланган штатдаги аудиторларнинг энг кам сони тўлиқ тўлдирилишини таъминласин.

4. 2019 йил 1 январдан:

аудиторлик ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдорига доир;

аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг аттестациядан ўтиши бўйича; устав капиталида давлат акциялари (улушлари) тўплами 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат ичидан танлов асосида танлаш тўғрисидаги талаблар бекор қилинсин.

5. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан:

а) ҳисобот йили якуни бўйича қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари ҳам ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим:

активларнинг баланс қиймати энг кам иш ҳақининг 100 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушум энг кам иш ҳақининг 200 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

ходимларнинг ўртача йиллик сони 100 кишидан ортиқ бўлса;

б) аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширади;

в) мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг веб-сайтида эълон қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси таркибида тўртта штат бирлигидан иборат профессионал ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш бўлими ташкил этилсин, шунга мос равишда вазирлик марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бухгалтерлар ва аудиторлар жамоат бирлашмаларини Молия вазирлигида аккредитациядан ўтказиш тартибини жорий этиш ва аудиторлик фаолиятини лицензиялашни бекор қилган ҳолда аудиторлик ташкилотларининг аккредитациядан ўтган жамоат бирлашмаларига мажбурий аъзолигини белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

аудитор малака сертификатини дастлаб беш йиллик муддатга бериш, навбатдаги муддатини ўн йилга узайтириш ва ундан кейин муддатсиз даврга бериш;

халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда аудитор малака сертификатини беришни ва амал қилиш муддатини узайтиришни, шунингдек, 10 йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажи мавжуд бўлганда аудитор малака сертификатининг амал қилишини муддатсиз даврга узайтиришни малака имтиҳонини топширмасдан амалга ошириш;

«бухгалтерия ҳисоби» ва «аудит» мутахассисликлари бўйича магистр дипломига эга бўлган аудитор малака сертификатини олишга талабгорлар учун аудиторлик ташкилотида бир йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиш талабини ўрнатиш;

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қуйидагиларни таъминласин:

а) ҳар йили 1 июлга қадар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтган

хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида қуйидаги ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириш:

хўжалик юритувчи субъектнинг идентификация маълумотлари (солик тўловчининг номи ва идентификация рақами);

аудиторлик ташкилотининг идентификация маълумотлари (номи, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг санаси ва рақами);

аудиторлик хулосасининг нусхаси;

б) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўриш;

в) қуйидагилар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш:

мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши шарт бўлган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида;

мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаган хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилган молиявий санкциялар тўғрисида.

9. Тошкент молия институти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро амалиётни ўрганиш асосида:

2018/2019 ўқув йили давомида бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги ўқув режалари ва дастурларининг бажарилишини комплекс таҳлил ва мониторинг қилсин ҳамда уларни янада такомиллаштириш ва ўқитишнинг инновацион усулларини жорий этиш чораларини кўрсин;

бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича ўқув режа ва дастурларига халқаро аудит стандартлари ва халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича фанларни киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг маълумотлар базаси билан таққослаш орқали тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фирма номида «аудиторлик ташкилоти» сўз бирикмасидан фойдаланишнинг қонунийлигини ўрганиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 апрелига қадар муддатда аудиторлик ташкилотлари ҳамда бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан ўзаро электрон ҳамкорликка мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Аудит» дастурий мажмуасини ишлаб чиқишни таъминласин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда 2019 йилнинг 1 январига қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича таклифлар киритсин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун халқаро аудит стандартларининг ўз вақтида тан олинишини таъминлаш мақсадида Халқаро бухгалтерлар федерацияси билан халқаро аудит стандартларини маҳаллий амалиётга имплементация қилиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш;

г) 2019 йилнинг 1 январигача фаолият юритаётган ва мазкур қарор талабларига жавоб берадиган аудиторлик ташкилотларига янги намунадаги аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар беришни таъминласин;

д) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йилнинг 1 апрелидан кейин мазкур қарор талабларига жавоб бермайдиган аудиторлик ташкилотлари лицензияларининг амал қилишини белгиланган тартибда тугатиш чораларини кўрсин;

е) Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 сентябрь,  
ПҚ-3946-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**767** **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5446-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, республиканинг молиявий тизимини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг умумқабул қилинган халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳига аъзо давлатларнинг ўзаро баҳолашнинг иккинчи босқичини ўтказиш режасига мувофиқ 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ўзаро баҳолаш режалаштирилган;

ўзаро баҳолашнинг иккинчи босқичи муваффақиятли ўтиши ва Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (кейинги ўринларда ФАТФ деб юритилади) тавсиялари ижросини таъминлаш мақсадида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи вазирлик ва идоралар иштирокида хавфларни миллий даражада баҳолаш ўтказилмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияни (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловага\*\* мувофиқ таркибда ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.



хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

4. Қўйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни баҳолаш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, шунингдек, унинг асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини янада ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга оид таклифлар ишлаб чиқиш ва чоралар кўриш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ФАТФ тавсияларидаги талабларни ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига имплементация қилишни таъминлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия тўғрисидаги низом 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қўйидагилар зиммасига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни миллий даражада баҳолашни самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун шахсий жавобгарлик юклансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари Ш.Х. Атабаевга — тижорат банклари ва кредит ташкилотлари, шунингдек, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар хавфлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари В.Ю. Пакка — лизинг хизматларини ва лотереялар ташкил этишни амалга оширувчи ташкилотлар, аудиторлик ташкилотлари, суғурталовчилар ва суғурта воситачилари хавфлари бўйича;

в) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ж.Б. Юнусовга — биржа ва риэлторлик ташкилотлари хавфлари бўйича;

г) Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари А.Ж. Ташкуловга — нотариал идоралар, адвокатлик тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар хавфлари бўйича;

\* 2-илова рус тилидаги матнда эълон қилинган.

д) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари Б.А. Олматовга — почта алоқаси оператори ва провайдерлари хавфлари бўйича;

е) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг ўринбосари Ф.М. Каримовга — қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари хавфлари бўйича.

7. Департамент бошлиғи вазифасини бажарувчи — Комиссия раиси ўринбосари Д.Ф. Рахимов жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни миллий даражада баҳолаш юзасидан умумлаштирилган ҳисоботни тайёрлаш учун масъул этиб белгилансин.

8. Департамент манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш фаолиятига жалб қилинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ходимларини ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 сентябрь,  
ПҚ–3947-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 768 Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Фермер хўжаликлари ва тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида бозор муносабатларини шакллантиришга доир чора-тадбирларни изчил амалга ошириш доирасида 2018 йил бошидан буён республиканинг 20 та туманидаги 160 минг гектар ҳудудда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг кластер шакли жорий этилди.

Жорий йил бошидан буён пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари томонидан ишларни ташкил этишнинг илғор агротехнологиялари ва услубларини жорий қилиш, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлаш ҳамда пахтачилик тармоғига юқори малакали хорижий мутахассислар ва агрономларни жалб этишга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг кластер шакллари жорий этиш доирасида 2018 йилда майдонларни эгилувчан пластик қувурлар воситасида суғориш орқали 3163 гектар пахта майдонларида сувни тежайдиган технологиялар қўлланилди, сув чиқариш тизимлари ва ҳовузлар барпо этилди, суғориш манбалари узоқ бўлган туманларда 225 та насос агрегатлари ўрнатилди, 1285 та турли қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинди, қишлоқ хўжалиги бўйича юқори малакали хорижий мутахассислар (агрономлар, замонавий техника ва технологиялар бўйича мутахассислар, илмий институтлар мутахассислари) жалб қилинди, хорижий давлатларга борган ҳолда Туркия, Исроил, Бразилия ва АҚШнинг пахта етиштириш бўйича муваффақиятли тажрибаси ўрганилди, 4,3 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалигининг бошқа ишлаб чиқарувчилари (кейинги ўринларда фермер хўжаликлари деб аталади) ва тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида бозор муносабатларини янада ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга замонавий тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишни рағбатлантириш ва қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

1. Тўқимачилик саноати корхоналари — замонавий пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлар ташкил этиш ташаббускорлари (кейинги ўринларда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлар ташкилотчилари деб аталади), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 январдаги 53-сон қарорида назарда тутилган минтақалар ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини ташкил этишнинг кластер шакллари кейинги йилларда жорий қилишни давом эттириш;

2019 йил пахта хомашёси ҳосилидан бошлаб, 1-иловага\* мувофиқ республика минтақаларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини ташкил этишнинг кластер шакллари жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда:

2018 йил 1 октябргача бўлган муддатда фермер хўжаликларининг рўйхатини аниқласинлар ва фермер хўжаликлари ҳамда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлар ташкилотчилари ўртасида 2019 йил пахта хом ашёси ҳосили учун контрактация шартномалари тузилишига амалий ёрдам кўрсатсинлар;

фермер хўжаликлари томонидан олинган мажбуриятларни бажармаслиги сабабли бўшайдиган ер майдонларидан ишларни ташкил этишнинг илгор агротехнологиялари ва услубларини жорий қилиш, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш кўрсаткичлари бўйича ижобий натижаларни таъминлайдиган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ҳамда кластерлари ташкилотчиларига ушбу майдонлардан фойдаланиш ҳуқуқини томчилатиб суғоришнинг замонавий тизимини босқичма-босқич жорий қилиш шарти билан белгиланган тартибда берсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчилари, фермер хўжаликлари билан биргаликда 2019 — 2023 йилларда пахтачиликда, шу жумладан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига берилган майдонларда замонавий томчилатиб суғориш тизимларини босқичма-босқич жорий этиш дастурини (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Қўйидагиларга:

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига — томчилатиб суғориш тизимини жорий қилишда фермер хўжаликларига кўмаклашиш;

тижорат банкларига — пахта хом ашёсини етиштириш жараёнида томчилатиб суғоришнинг илғор тизимларини жорий қилишни молиялаштириш, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига айланма маблағларни тўлдириш учун револьвер кредит линиялари очиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига — шартнома шартларининг сўзсиз бажарилишини, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини ташкил этишнинг кластер шакллари доирасида ерлардан самарали фойдаланилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Дастурни амалга оширишни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг кредит линияларини жалб қилиш юзасидан икки ой муддатда таклифлар киритсин.

6. Белгилансинки, ушбу қарорга 1-иловага киритилган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2019 йил ҳосили пахта хом ашёсини етиштириш ва етказиб беришни молиялаштириш учун давлат буюртмаси доирасида назарда тутилган шартлар асосида ҳисоблаб чиқиладиган эҳтиёжнинг камида 60 фоизи миқдоридagi кредит ресурслари хизмат кўрсатувчи банклар ёки «Агробанк» АТБда очиладиган махсус ҳисоб рақамлари орқали ажратилади ва таъминот сифатида суғурта полиси берилади.

Ушбу қарорга 1-иловага киритилган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 январдаги 53-сон қарорида назарда тутилган қоидалар ва шартлар татбиқ этилсин.

7. «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ушбу қарорга 2-иловага\* мувофиқ пахта тозалаш корхоналари ҳамда пахта тайёрлаш пунктларининг бино ва иншоотларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 31 мартдаги 253-сон қарорининг 2-бандида назарда тутилган шартлар асосида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига инвестициялар киритган ҳолда, 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шarti билан баҳолаш қийматида сотиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарорга 2-иловага киритилган пахта тозалаш корхоналарини ва пахта тайёрлаш пунктларини хатловдан ўтказсин ва уларнинг ҳолатини баҳоласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда олди-сотди шартномаси тузилгандан сўнг бир ой муддатда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига сотиладиган ҳамда ушбу қарорга 2-иловага киритилган пахта тозалаш корхоналарининг солиқ бўйича қарзларини хатловдан ўтказсин ва харид тўловлари жадвалларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу қарзларни тўлаш муддатини узайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

8. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишларнинг ташкил этилиши ва пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларининг фаолияти натижалари юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда таҳлилий ва жадвалли материаллар ҳамда тегишли таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарорга 2-иловада назарда тутилган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига сотиладиган пахта тозалаш корхоналарининг бўшаб қоладиган ходимларини ишга жойлаштиришни;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларининг буюртманомалари асосида қишлоқ хўжалиги бўйича юқори малакали хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш учун рухсатномаларни, шунингдек, кўрсатиб ўтилган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни белгиланган тартибда беришни (муддатини узайтиришни) таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, «Ўзпахтасаноат» АЖ ва Фанлар академияси билан биргаликда Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёсини етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. 2018 йилда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари

ташкilotчиларига пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлашни ҳисобга олишнинг амалдаги тартиби жорий этилсин.

«Ўзпахтасаноат» АЖ «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкilotчиларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари учун пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлашни ҳисобга олишни ташкил этиш бўйича бир ҳафта муддатда амалий семинар ташкил қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев, «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлашни ҳисобга олишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга доир таклифларни 2019 йил 1 апрелгача бўлган муддатда киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари З.Т. Мирзаев ва Н.С. Отажонов, «Ўзпахтасаноат» АЖ бошқаруви раиси А.И. Мақсудов ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси раиси И.У. Ҳайдаров зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 сентябрь,  
744-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 январдаги 53-сон қарорида:

а) 4-бандда:

учинчи хатбошидаги «2018 йил мобайнида» сўзлари чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фермер хўжаликлари билан пахта хом ашёси учун якуний ҳисоб-китоблар пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкilotчилари томонидан ҳосил йиғиб-териб олинадиган йил охиригача амалга оширилади».

б) 8-банддаги «чигит етказиб берилишини» сўзларидан кейин «пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларининг ташкилотчилари билан келишган ҳолда» сўзлари қўшилсин.

в) 1-иловада:

номланишидаги «2018 йилда» сўзлари «2018 йилдан бошлаб» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

*«Изоҳ: ер майдонлари алмашлаб экиш изчиллигидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин»;*

г) 3-иловага қўйидаги мазмундаги 22-позиция қўшилсин:

«

|     |                              |            |
|-----|------------------------------|------------|
| 22. | Томчилатиб суғориш тизимлари | 8424821000 |
|-----|------------------------------|------------|

».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қиймати-ни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарорига илованинг 2-бандидаги «ҳамда пахтачилик кластерлари билан қамраб олинган» сўзлари чиқариб ташлансин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**769 Газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, шунингдек, табиий газда ишлайдиган марказлаштирилган қозонхоналардан бехатар фойдаланишга доир шошилиш чора-тадбирлар тўғрисида\***

Сўнги йилларда автотранспорт воситаларини экологик тоза ёқилғи турлари, шу жумладан сиқилган табиий газ билан таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларининг сони 670 тага етди ва автотранспорт воситаларининг 50 фоиздан ортиғи муқобил ёқилғи сифатида сиқилган табиий газдан фойдаланмоқда.

Ушбу соҳада хавфсизлик масалаларини тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари тармоғини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газга босқичли ўтказиш, ҳамда уларда газбаллон асбоб-ускуналарини хавфсиз ишлатишни таъминлаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 октябрдаги 815-сон қарори ва «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сон қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларида газ баллонларини тўлдиришда, газ баллони ускуналарининг бириккан жойлари зичлиги ва ишончилигини даврий синовдан ўтказишда, шунингдек, жисмонан ва маънан эскирган газ баллонларидан фойдаланиш оқибатида белгиланган талаб ва тартибларни бузиш ҳолатлари учрамоқда.

Юқорида қайд этилган қоидабузарликлар инсонлар ҳаёти ва саломатлигига зарар етказадиган, шу жумладан қўпинча ўлим билан тугайдиган бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, 2018 йил 18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилоятининг Когон туманида «Фузор — Бухоро — Нукус» А-380 автомобиль йўлининг 201-километрида «Исузу» йўловчи автобусида ўрнатилган газ баллони портлаган. Бунинг оқибатида 5 киши ҳалок бўлган, 21 киши жароҳатланган.

Қозонхона ускуналаридан фойдаланиш ишончилигини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва уларни табиий газ билан таъминлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди, энергия таъминоти ва энергия самарадорлиги масалаларига етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Сиқилган табиий газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларидан янада хавфсиз фойдаланишни таъминлаш, улардан фойдаланишда бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик, шунингдек, иссиқлик энергияси

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

ишлаб чиқарадиган қозонхоналардан фойдаланиш ишончилиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларини, шунингдек, табиий газда ишлайдиган марказлаштирилган қозонхоналарни хатловдан ўтказиш ҳамда уларнинг ишончилиги ва хавфсизлигини оширишга доир таклифлар тайёрлаш бўйича 1-иловага\* мувофиқ Республика комиссияси ташкил этилсин.

2. Қўйидагилар Республика комиссиясининг (А.Ж. Раматов) асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситалари бўйича: стандартлар ва техник регламентлар талабларига жавоб берадиган ҳамда сертификатланган сиқилган табиий газ баллонларидан фойдаланилиши юзасидан уларни ялпи хатловдан ўтказиш;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ҳар бир юридик шахс ва жисмоний шахслар автомобиль транспортининг техник ҳолатини босқичма-босқич кўриқдан ўтказиш;

ҳар бир автомобиль транспортининг техник кўриқ талаблари, уларда фойдаланилаётган газ баллонларининг ишончилиги ва хавфсизлиги талабларига мос келиши юзасидан далолатнома тузилишини таъминлаш;

б) автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари бўйича: фойдаланилаётган технологик ускуналар (компрессорлар) ва бошқа воситаларнинг лойиҳа ҳужжатлари талабларига, айниқса, ёнғин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш талабларига, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан уларни ялпи хатловдан ўтказиш;

автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари улардан фойдаланишда саноат хавфсизлиги курсларида ўқиган малакали мутахассислар ва ишчи-ходимлар билан таъминланганини ўрганиш;

автомобилларни газ билан тўлдирадиган ҳар бир компрессор станциясининг саноат хавфсизлиги, лойиҳа параметрлари, лицензия талаблари ва шартларига риоя этиш талабларига мос келиши юзасидан далолатнома тузилишини таъминлаш;

в) марказлаштирилган қозонхоналар бўйича:

марказий қозонхоналар ва уларни табиий газ билан таъминлаш тизимлари, шу жумладан газ тақсимлаш пунктларининг ёнғин хавфсизлиги техник талабларига мос келиши юзасидан ялпи хатловдан ўтказиш;

ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилиш борасида фойдаланилаётган ускуналарнинг ишончилиги ва самарадорлигини, талаб этилган малакага эга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мавжудлигини таҳлил қилиш;

мараказлаштирилган ҳар бир қозонхонанинг саноат ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мос келиши, шунингдек, айниқса куз-қиш мавсумида узлуксиз ишлашга тайёрлиги бўйича далолатнома тузилишини таъминлаш.

3. Газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, авто-

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

мобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари, шунингдек, марказлаштирилган қозонхонларни хатловдан ўтказиш бўйича 2, 2а ва 2б-иловаларга\* мувофиқ ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин.

Республика комиссияси ишчи органининг функциялари, ўтказилган хатлов натижалари бўйича далолатномаларни расмийлаштирган ҳолда ҳудудий комиссиялар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

#### 4. Белгилансинки:

а) мулкчилик шаклидан қатъи назар, газ баллонлари билан жиҳозланган ва йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган автобуслар, микроавтобуслар ва енгил автотранспорт воситалари (таксилар) 2018 йил 1 декабрча, жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситалари ҳамда ташкилотларнинг газ баллонлари билан жиҳозланган ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ва юкларни ташишда фойдаланиладиган махсус техникаси — техник кўрикни ўтказишнинг белгиланган муддатларида хатловдан ўтказилади;

автотранспорт воситалари ва уларда ўрнатилган газ баллонлари техник кўриқдан Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги вилоят бошқармалари томонидан белгиланган жойларда, шу жумладан «Ўзстандарт» агентлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган республика ҳудудларидаги капот ичидаги ускуналарни ўрнатиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш сервис марказларида ўтказилади;

автотранспорт воситаларини хатловдан ва техник кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра, ҳудудий комиссиялар томонидан тегишли далолатнома тузилиб, Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тегишли бошқармасига берилади;

б) 2018 йил 15 ноябрча бўлган муддатда автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари хатловдан ўтказилади ва ҳудудий комиссиялар томонидан тегишли далолатномалар тузилиб, «Ўздавнефтегазинспекция» давлат инспекциясига тақдим этилади;

«Ўздавнефтегазинспекция» давлат инспекцияси хатлов натижалари асоида лицензиат лицензия талаблари ва шартларига, шу жумладан саноат хавфсизлиги талабларига риоя этмаганда автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларининг лицензияларини белгиланган тартибда тўхтатиш чораларини кўради;

в) 2018 йил 1 ноябрча бўлган муддатда саноат корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари ва республика аҳолиси эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси ишлаб чиқарадиган марказлаштирилган қозонхоналар хатловдан ўтказилади ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан тегишли далолатномалар тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир шошилинч чоралар кўриш учун тақдим этилади.

5. Республика комиссияси (А.Ж. Раматов) ўтказилган хатлов натижаларига кўра 2018 йил 15 декабрча бўлган муддатда:

---

\* 2 — 2б-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларидан ва газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларидан бехатар фойдаланилишини, шунингдек, хатлов давомида аниқланган камчиликлар бартараф этилишини таъминлаш бўйича «йўл харитаси»;

марказлаштирилган қозонхоналардан самарали ва бехатар фойдаланилишини, шу жумладан улардан фойдаланишда содир бўлган авария ҳолатларининг зудлик билан бартараф этилишини, шунингдек, хатлов давомида аниқланган камчиликлар бартараф этилишини таъминлаш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

6. «Ўздавнефтегазинспекция» ДИ масъулиятни бевосита лицензиатга юклаган ҳолда, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари томонидан автотранспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган газ баллонлари сиқилган табиий газ билан тўлдирилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилишини таъминласин.

7. «Ўзстандарт» агентлиги 2018 йил 15 ноябрғача бўлган муддатда сиқилган газ баллонларини ишлаб чиқарувчиларнинг технологик жараёнларини, уларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан ўрганиб чиқсин ва натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Республика комиссиясига ҳамда ҳудудий комиссияларга автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларини хатловдан ўтказиш давомида уларга юкланган вазифаларнинг сифатли бажарилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов, «Ўздавнефтегазинспекция» давлат инспекцияси бошлиғи Н.Т. Агзамов, «Саноатгеотехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи Б.В. Гулямов, Ўзбекистон Республикаси уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Салиев ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги бош директори Д.Н. Саттаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 сентябрь,  
745-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**770** Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2019 йил 1 июлдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар:

жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни тўпловчи марказлаштирилган тизим ишга туширилишини;

марказлаштирилган тизимга келиб тушаётган видеоёзувлар бўйича тизимли мониторинг юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун ушбу тизимни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг «Маъмурий амалиёт» комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

3. Видеорегистраторлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича чора-тадбирлар 2017 йилда ниҳоясига етганлиги ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан видеорегистраторларни ички бозорга етказиб бериш имконияти мавжудлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб:

жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари акс этган видеоёзувлар махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари қайд этилган видеоёзувларга тенглаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар жамоат транспорти ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун автотранс-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

порт воситаларига видеорегистраторлар ўрнатиш бўйича мажбурий тартиб жорий этилади;

хуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни юборган шахслар хуқуқбузардан ундирилган жарима ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг беш фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади;

б) хуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни тақдим этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

5. Ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотлар ҳамда донор мамлакатлар кредитлари ва грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 сентябрь,  
747-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 20 сентябрдаги 747-сон қарорига  
ИЛОВА

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт  
воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд  
этилган хуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни  
қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган  
шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар (кейинги ўринларда видеорегистраторлар деб аталади) орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши (кейинги ўринларда хуқуқбузарлик деб аталади) ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавоб-

гарлик тўғрисидаги кодексининг 125 — 127, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 131, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 138 — 141, 176<sup>3</sup>, 194-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан татбиқ этилмайди.

## **2-боб. Ҳуқуқбузарликларни видеореги­страторлар орқали қайд этиш**

3. Жисмоний ва юридик шахслар видеореги­страторлар орқали йўл ҳаракати иштирокчилари (йўловчи ва пиёдалар бундан мустасно) томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини қайд этиши ҳамда уч иш куни ичида марказлаштирилган тизим (jagita.uz веб-сайти) орқали ички ишлар орган­ларига кўриб чиқиш учун юбориши мумкин.

4. Видеореги­стратор орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолати тўғри­сидаги видеоёзувда қуйидагилар аниқ акс эттирилиши лозим:

содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолати;

транспорт воситасининг русуми ва давлат рақа­ми белгиси;

ҳуқуқбузарлик содир этилган сана ва вақт.

5. Ҳуқуқбузарлик ҳолати акс эттирилган видеоёзувларга ҳар қандай тарзда ўзгартиришлар киритиш тақиқланади. Ўзгартириш киритилган видео­ёзувлар кўриб чиқилмайди, ҳажмини қисқартириш мақсадида видеоёзувнинг бевосита ҳуқуқбузарлик ҳолати акс эттирилган қисмини кесиб олиш бун­дан мустасно (қоида тариқасида, видеоёзувнинг давомийлиги 120 секунд­дан ошмаслиги лозим).

6. Ҳуқуқбузарлик ҳолати акс эттирилган видеоёзувларни марказлашти­рилган тизимга юборишда қуйидагилар тўлиқ кўрсатилиши лозим:

фуқаронинг исми, фамилияси, отасининг исми, доимий яшаш манзили, юридик шахснинг номи, жойлашган жойи (почта манзили), банк ҳисоб ра­қа­ми (видеоёзув юридик шахс вакили номидан тўлдирилганда);

уяли телефон рақа­ми ёки банк пластик картаси рақа­ми ва электрон манзили;

ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, сана ва вақт.

## **3-боб. Видеореги­страторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш**

7. Жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатил­ган видеореги­страторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари акс эт­ган видеоёзувлар махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари қайд этилган ви­деоёзувларга тенглаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

8. Марказлаштирилган тизимга келиб тушган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилган видеоёзувлар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маъ­мурий амалиёт инспектори томонидан уч иш куни мобайнида кўриб чиқи­лади ва тегишли қарор қабул қилинади.

9. Қўйидаги ҳолларда видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувлар асосида маъмурий иш юритилмайди: видеоёзувлар мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган талабларга жавоб бермаганда ёки сифатсиз бўлганда;

видеоёзувлар марказлаштирилган тизимга мазкур Низомнинг 6-бандида белгиланган талабларга риоя этмаган ҳолда юкланганда;

видеоёзувларга ўзгартиришлар киритилган бўлса, мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

видеоёзувда қайд этилган ҳуқуқбузарлик бўйича қарор қабул қилинган ёки маъмурий иш юритилаётган тақдирда.

10. Видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан уни юборган шахсга ўн беш кун муддат ичида электрон тарзда жавоб юборилади.

#### **4-боб. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилган видеоёзувларни юборган шахсларни рағбатлантириш**

11. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари акс этирилган видеоёзувларни юборган шахслар ҳуқуқбузардан ундирилган жарима ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг беш фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Ҳуқуқбузарлик бўйича суд томонидан маъмурий жарима билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо чораси қўлланган ҳолларда видеоёзувни юборган шахс Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарорига мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

12. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари акс этирилган видеоёзувларни юборган фуқаролар уяли телефон рақамини ёки банк пластик картаси рақамини, юридик шахслар эса банк ҳисоб рақамини кўрсатиш орқали рағбатлантириш пули қандай усулда қабул қилиб олинишини кўрсатиб ўтади.

13. Рағбатлантириш ҳуқуқбузардан жарима ундирилгандан сўнг фуқаронинг уяли телефон рақами ҳисобига ёки банк пластик картасига, юридик шахснинг эса банк ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилган маблағлар ҳисобидан автоматик тарзда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

14. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни тақдим этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

15. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни қабул қилиш,  
кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш  
СХЕМАСИ**

| Босқич   | Субъект   | Тадбир   | Муддат  |
|----------|---|--|---|
| 1-босқич | Жисмоний ва юридик шахс   | 1. Видеорегистратор орқали ҳуқуқбузарликни қайд этиш.<br>2. Видеоёзувни марказлаштирилган тизим (jagima.uz веб-сайти)га жойлаштириш.   | Ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдан бошлаб уч иш куни ичида |
| 2-босқич | Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳудудий бўлинмалари     | 1. Видеоёзувни марказлаштирилган тизимдан қабул қилиб олиш.<br>2. Видеоёзув асосида маъмурий ишни кўриб чиқиб, қабул қилиш ёки рад этиш.   | Уч иш куни ичида  |
| 3-босқич | Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маъмурий амалиёт инспектори | Ҳуқуқбузарга нисбатан жаримага тортиш тўғрисидаги қарорни электрон тарзда расмийлаштириш.  | Онлайн режимида   |
| 4-босқич | Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маъмурий амалиёт инспектори | Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижаси юзасидан видеоёзувни юборган шахсга электрон тарзда жавоб юбориш.   | Ўн беш иш куни ичида  |
| 5-босқич | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги                        | Видеоёзувни юборган шахсга энг кам ойлик иш ҳақининг беш фоизи миқдоридagi пул мукофоти ҳуқуқбузардан ундирилган жарима ҳисобидан фуқаронинг уяли телефон рақами ҳисобига ёки банк пластик картасига, юридик шахснинг эса банк ҳисоб рақамига автоматик тарзда пул ўтказиш йўли билан тўлаш. | Биллинг тизими орқали онлайн режимида                       |

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****771 Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг  
ғазна ижроси қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги ва «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи (рўйхат рақами 2850, 2016 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 51-сон, 593-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 август,  
118-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2018 йил 10 августдаги  
118-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг  
ғазна ижроси қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «давлат қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» деган сўзлар «вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 20-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дебитор қарздорликлар суммалари қолдиқлари ўз вақтида ёки ҳисобот оyi тугагунига қадар ўтказилмаган ҳолларда маблағлар жорий ойнинг охириг иш кунида «ЎРМВ» АТда автоматлаштирилган тарзда тегишли бюджетлар даромадларига ўтказилади.».

3. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Бюджет тизими бюджетлари, шунингдек БМЖ бюджетлари даромадларига кирим қилиш учун асос бўлмаган ЯФХга келиб тушган маблағлар ғазначилик бўлинмалари томонидан аниқланмаган тушумлар сифатида қабул қилинади. Агар уч иш куни мобайнида ушбу тушумларни аниқлаш ҳамда уларни тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига кирим қилиш имкони бўлмаса, учинчи иш кунида, бироқ жорий йилнинг 31 декабридан кечиктирмасдан Ягона ғазна ҳисобварағидан тўланиши (қайтарилиши) лозим бўлган аниқланмаган тушумлар «ЎРМВ» АТда автоматлаштирилган тарзда маблағлар қайси банк ҳисоб рақамларидан келиб тушган бўлса шу банк ҳисоб рақамларига қайтарилади.».

4. 42-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«UzASBO» ДМ уланган бюджет ташкилотлари, ДМЖ ва БМЖлар нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларни шахсий ғазна ҳисобварақларидан «UzASBO» ДМда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тўлов топшириқномаларни ғазначилик бўлинмаларига юбориш орқали қайтаради.».

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. 57-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57. Капитал қўйилма буюртмачилари юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун ғазначилик бўлинмаларига шартноманинг иккита асли ва битта нусхаси билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

икки асл нусхада Тўловлар жадвали;

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил эт-

ганда танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси нусхаси;

ишларнинг, хизматларнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этганда танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси нусхаси;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг олти минг бараваридан ортиқ суммани ташкил этганда тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси нусхаси;

агар инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари билан буюртмачиларга тендер ўтказмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган тақдирда, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлов ўтказиш орқали амалга оширилганда таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси нусхаси;

танлов савдолари натижалари ҳисоботининг Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан келишилган нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг қурилиш-монтаж ишларини бажаришга (қурилишнинг бутун даври учун берилган) рухсати нусхаси; манзилли рўйхат (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) нусхаси;

қурилиш объекти титул рўйхати нусхаси;

пудрат ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси нусхаси;

давлат экология экспертизаси ҳулосаси нусхаси (зарур бўлганда);

Бунда шартномаларда томонлар юридик хизматларининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзоси бўлиши шарт.».

6. 71<sup>2</sup>-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«71<sup>2</sup>. «UzASBO» ДМга уланган капитал қўйилма буюртмачилари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчини танлаб шартнома тузганидан сўнг танлов (тендер) иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси ҳамда шартнома (қонун ҳужжатларига мувофиқ бажариш муддати бир йилдан ортиқ муддатни ташкил этадиган шартномалар бўйича шартномага қўшимча келишув) маълумотларини «UzASBO» ДМга киритади ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборади.»;

иккинчи ва учинчи хатбошилари «танлов (тендер)» деган сўзлардан кейин «иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 73-банднинг иккинчи хатбошиси «белгиланган ҳоллар» деган сўзлардан кейин «ва электрон давлат харидлар орқали тузилган шартномалар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 87-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этганда танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси нусхаси;

ишларнинг, хизматларнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этганда танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси нусхаси;»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг олти минг бараваридан ортиқ суммани ташкил этганда тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси нусхаси;»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишинча олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. 88-банднинг «в» кичик бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

10. 91-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этганда танлов иштирокчиларининг таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси нусхаси;

ишларнинг, хизматларнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этганда танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси нусхаси;»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг олти минг бараваридан ортиқ суммани ташкил этганда тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси нусхаси;»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

11. 93-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

12. 109<sup>1</sup>-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари «танлов (тендер)» деган сўзлардан кейин «иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

13. 124-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «комиссияси» деган сўзлар «иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин».

14. 160-бандда:

биринчи хатбошидан «ўн иш кунидан кечикмасдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

15. 177-бандда:

биринчи хатбошидан «беш иш кунидан кечикмасдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

16. Қўйидаги мазмундаги 179<sup>3</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«179<sup>3</sup>. Буюртмачилар электрон давлат харидлари орқали товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиб олганларидан сўнг уч иш куни муддатида бу ҳақдаги маълумотларни «UzASBO» ДМга киритишлари ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда «ЎРМВ» АТга юборишлари лозим.».

17. 228-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«228. Қўшимча вақт даврида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига тегишлилиги бўйича ўтган йил мобайнида ишлатилмаган:»;

иккинчи хатбоши «Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг» деган сўзлардан кейин «туманлар ва шаҳарлар бюджетининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

18. 229-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«229. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетининг захира жамғармаларидан ажратилган, шунингдек ўтган молия йили учун давлат ташқи қарзини тўланишига олдин ажратилган ва ўтказилган маблағларнинг ўтган молия йили мобайнида фойдаланилмаган қисмининг мажбурий равишда тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига қайтариб ўтказилиши молия йили яқунлангандан кейин кейинги йилнинг 10 январидан кечикмаган муддатда амалга оширилади.».

19. Қоидаларнинг 4-илоvasи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

*Марказий банк раиси*

*М. НУРМУРАТОВ*

*2018 йил 10 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**772** «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2463-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 26 апрелдаги 41, 2013-24-сон «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2463, 2013 йил 31 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 299-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 7 мартдаги 53, 2018-25-сон «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомға ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2463-1, 2018 йил 12 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 11-сон, 209-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 сентябрь,  
127-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

Давлат солиқ қўмитаси  
раисининг биринчи ўринбосари

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 сентябрь,  
2018-71-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**773** Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2016 йил 16 май 79-сон буйруғи (рўйхат рақами 2804, 2016 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 26-сон, 321-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 сентябрда эълон қилинган.



2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 13 август,  
217-сон

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2018 йил  
13 августдаги 217-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва  
Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш  
тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бўлинмасига) (бундан буён матнда ХЧКваФРБ деб юритилади)» деган сўзлар «миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бўлинмасига) (бундан буён матнда МваФРБ деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«турар жойни ёхуд унинг бир қисмини ижарага олиш ёки турар жойдан ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш тўғрисида нотариал тасдиқланган шартноманинг нусхаси.

Агар вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаро (оила аъзолари билан бирга) турар жой мулкдорининг (мулкдорларнинг) ёки ушбу турар жойда доимий яшаётган шахснинг яқин қариндоши бўлса, нотариал тасдиқланган турар жой ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шартномасининг нусхасини тақдим этиш талаб этилмайди. Ушбу ҳолатда вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаронинг ва турар жой мулкдорининг (мулкдорларнинг) ёхуд ушбу турар жойда доимий яшаётган шахснинг қариндошлиги даражасини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Бунда вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаронинг оила аъзолари (эр, хотин, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари, фарзандликка олинганлари) фуқаронинг оила аъзолари эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилишлари керак.

Агар вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаро Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа

худудларидан хизмат сафари, меҳнат таътили, малакасини ошириш, давланиш муносабати билан келган бўлса, тасдиқловчи ҳужжатлар такдим этилганда нотариал тасдиқланган турар жойнинг ёхуд унинг бир қисмининг ижара шартномасининг ёки турар жойдан ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шартномасининг нусхасини такдим этиш талаб этилмайди.».

2. 7-банднинг биринчи хатбошисидаги, 14-банддаги, 18-банднинг биринчи хатбошисидаги, 20, 21-бандлардаги, 24-банднинг биринчи, иккинчи ва еттинчи хатбошиларидаги, 30-банддаги ҳамда 1 — 9, 12 ва 13-иловалардаги «ХЧКваФРБ» қисқартмалари «МваФРБ» қисқартмалари билан алмаштирилсин.

3. 8-банд:

биринчи хатбошидаги «ХЧКваФРБнинг» қисқартмаси «МваФРБнинг» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБ» қисқартмаси «МваФРБ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

4. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. ТШИИБ МваФРБ инспектори фуқарога қайд варағи беришдан аввал унинг қидирувда эмаслигини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (бундан буён матнларда ИИВ деб юритилади) Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси (бундан буён матнларда МваФРББ деб юритилади) «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизимига фуқаро ҳақидаги маълумотларни киритиб, уларни тизим орқали автоматик тарзда ИИВ Ахборот марказининг маълумотлар базасидан текширади.

Текширув натижаси юзасидан фуқаро қидирувда бўлганлиги ҳолати аниқланган тақдирда ИИВ Ахборот маркази ушбу ҳолат бўйича ИИВ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ва ИИВ МваФРББга хабар беради.».

5. 13, 17, 19 ва 21-бандлардаги «ХЧКваФРБга» қисқартмалари «МваФРБга» қисқартмалари билан алмаштирилсин.

6. 15-банддаги «ХЧКваФРБни» қисқартмаси «МваФРБни» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

7. 16-бандда:

биринчи хатбошидаги «ХЧКваФРБ» қисқартмаси «МваФРБ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБда» қисқартмаси «МваФРБда» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

8. 25-банддаги ҳамда 12 ва 13-иловаларнинг изоҳидаги «ХЧКваФРБда» қисқартмаси «МваФРБда» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

9. 23-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. Охирги ҳисобга олиш расмийлаштирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштириш масаласини кўриб чиқиш фуқаронинг вақтинча яшаб турган жойидаги ТШИИБ МваФРБ томонидан амалга оширилади. Бунинг учун фуқаро қайд варағи муддати тугашидан камида ўн беш кун олдин вақтинча яшаб турган жойидаги

ТШИИБ МваФРБга мазкур Йўриқноманинг 4-бандида назарда тутилган тегишли ҳужжатлар (иккинчи хатбошисида кўрсатилган аризадан ташқари) билан бирга мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ шаклда қайта ҳисобга олиш тўғрисида ариза тақдим этади.».

10. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олингандан сўнг ТШИИБ МваФРБ инспектори мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада фуқаронинг келиш варақасини тўлдиради ҳамда унинг биринчи нусхасини бир сутка мобайнида Тошкент шаҳар ИИББнинг Манзил-маълумотлар бюросига юборади. Келиш варақаларининг иккинчи нусхаси ва уларнинг рўйхати ҳафтада бир марта тегишли ТШИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимига (бўлинмаси, гуруҳи) (бундан буён матнда ХПБ деб юритилади) ишда фойдаланиш учун юборилади.».

11. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. ТШИИБ МваФРБ инспектори вақтинча ҳисобга олинган фуқаро ҳақида келиш варақасидаги маълумотларни компьютер маълумотлар базасига киритгандан кейин уларни реал вақт режимида маълумотларни узатишнинг идоровий тармоғи бўйича ИИБ МваФРБнинг марказий маълумотлар базасига юборади.».

12. 28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. ИИБ МваФРББ ҳар ойда маълумотларни узатиш идоровий тармоғи бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга қўйилган фуқароларнинг рўйхатларини (электрон шаклда) уларнинг доимий яшаш жойи бўйича тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБ МваФРБларига юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБ МваФРБлари фуқаронинг доимий яшаш жойидаги ТШИИБ ХПБга фуқаронинг Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида ҳисобга олинганлиги тўғрисида маълум қилади.».

13. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29. Ҳар ой якуни бўйича турган жойи бўйича ҳисобга олинган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар кейинги ойнинг 3-санасига қадар ТШИИБ МваФРБ томонидан мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ шаклда Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ МваФРБга тақдим этилади. Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ МваФРБ эса, ўз навбатида, маълумотларни жамлаб ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар ИИБ МваФРББга тақдим этади.

ТШИИБ МваФРБ берилган қайд варақлари сони тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда ТШИИБ ХПБга тақдим этиши шарт.».

14. 31-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«31. ИИБ раҳбарияти томонидан тасдиқланган режа-топшириқ асосида ИИБ МваФРББ масъул ходимлари бир йилда камида икки маротаба Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ МваФРБлар ва ТШИИБ МваФРБлари томонидан фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча

яшаб турган жойи бўйича ҳисобга олиш ишларининг ахволини ўрганиб чиқади ва йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилайди.»

15. 32-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБ» қисқартмаси «МваФРБ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБда» қисқартмаси «МваФРБда» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

16. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«33. Қайд варақлари бланкалари ТШИИБ МваФРБлари раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган Қайд варақлари бланкаларини кирим ва чиқим қилиш китобига қайд қилиниб, уларнинг қатъий ҳисоби юритилади ҳамда хизматда фойдаланиш учун ТШИИБ МваФРБ инспекторига тақдим этилади.

ТШИИБ МваФРБ инспекторлари хизматда фойдаланиш учун олган қайд варақларини белгиланган тартибда сақланишини таъминлайди.»

17. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан келишилган.

*Бош прокурор*

*О. МУРОДОВ*

*2018 йил 10 август*

*Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси*

*И. АБДУЛЛАЕВ*

*2018 йил 7 август*

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

*И. МАЖИДОВ*

*2018 йил 9 август*

*Халқ таълими вазири*

*Ш. ШЕРМАТОВ*

*2018 йил 7 август*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 15 сентябрдан 21 сентябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 августдаги 118-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850-2.***

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 10 сентябрдаги 127, 2018-71-сон «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2018 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2463-2.***

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 августдаги 217-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-1.***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2463, 2013 йил 31 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2463-1, 2018 йил 12 март).

***Адлия вазирининг 2018 йил 21 сентябрдаги 462-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

